

Сийрат дарслари (100-дарс). Мўмин ва фожир банданинг қисмати



13:14 / 28.08.2020 5551

404. Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларидан бир жаноза олиб ўтилди, шунда у зот: **«Истироҳат олувчи ва ундан истироҳат олинган»**, дедилар». «Эй Аллоҳнинг Расули, истироҳат олувчи ва ундан истироҳат олинган нима?» дейишди. У зот: **«Мўмин банда (вафот этса) дунёнинг қийинчиликларидан истироҳат олади. Фожир банда (ўлса) ундан бандалар, элу юртлар, дов-дарахтлар ва жонзотлар қутуладилар»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

405. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз ўлганида унга ўрни эртаю кеч кўрсатиб турилади: агар жаннат аҳлидан бўлса, жаннат аҳлидан экани, дўзах аҳлидан бўлса, дўзах аҳлидан экани. «Аллоҳ сени қиёмат куни қайта тирилтиргунича сенинг ўрнинг мана шудир», дейилади»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

406. Асма бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб, одам қабрида дучор бўладиган фитна ҳақида гапирдилар. У зот ўшани зикр қилганларида мусулмонлар шовқин кўтаришди. Бу нарса менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг каломларини фаҳмлашимга халақит берди. Уларнинг шовқини тинчиганда яқинимдаги кишидан: «Ҳой Аллоҳ баракангни бергур, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапларининг охирида нима дедилар?» дедим. **«Батаҳқиқ, сизлар қабрларингизда дажжолнинг фитнасига яқин фитнага учрашингиз хабари берилди»,** дедилар», деди».

Бухорий ва Насоий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан